

**Ургут тумани ҳокими Х.Қ.Оқбўтаевнинг 2016 йил “Президент арчаси” байрам тадбири учун табрик сўзи**

**Ассалому алайкум ҳурматли тадбир қатнашчилари!  
Азиз болажонлар!**

Мана бугун Янги йил байрами муносабати билан **“Президент арчаси”** анъанавий тадбирида тўпланганлигимиздан фойдаланиб, Сизларни, сиз орқали оила аъзоларингиз ва устозларингизни ҳамда яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклайман. Ушбу байрам сиз азиз фарзандларимизга мустаҳкам соғлиқ, бахтли келажак ва доимий хуш кайфият олиб келсин. Кириб келаётган янги йилимиз хонадонингизга тинчлик ва файз-барака олиб келишини тилайман.

Истиклол шарофати ва Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган **“Президент арчаси”** тадбири **болажонларимизнинг энг сеvimли байрамига** айланди. Бу байрамда кичкинтойларимиз қувнаб-яйрайдилар, Президентимиз совғаларидан барҳаманд бўладилар.

Ҳаммамизга маълумки, Мустақиллигининг илк кунларидан келажакимиз бўлган ёш, баркамол авлодни тарбиялаш, уларга билим, касб-хунар бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги, Муҳтарам Ютбошимиз таъкидлаганларидек **“...ўз вақтида, яъни бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларини қабул қилганмиз”**, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши туфайли бугунги кунда туманимиз ёшлари замонавий биноларда жойлашган ва барча қулайликларга эга 136 та умумтаълим ва 1 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 1 та академик лицей ва 19 та касб-хунар коллежлари таълим олмоқдалар ва касб-хунар сирларини пухта ўрганишмоқдалар.

Ёшларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун зарурий спорт анжомлари билан таъминланган 84 та спорт заллари, ТИП спорт мажмуаси, жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қурилиб Бош қомусимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган, халқаро андозаларга мос келадиган, ёпиқ сузиш сув ҳавзаси ёшларимизга хизмат қилмоқда.

Албатта, амалга оширилаётган барча хайрли ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Бундан унумли фойдаланаётган ёшларимиз

фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан, ёшларимиз ўз маҳоратларини кўрсатиб, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, вилоят, республика қолаверса халқаро фестиваллар ва мусобақаларда Юртимиз қаторида туманимиз шарафини ҳам ҳимоя қилмоқдалар. Жумладан, тумандаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчилар жамоасининг **“Қувноқ стартлар”** телевизион мусобақаси республика босқичида **1-даражали диплом** билан тақдирланганлиги, жорий йилнинг октябр ойида **Озарбойжон Республикасида ўтказилган “Муғом” номли халқаро фестивалида** 16 сон болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиси, **Мамасолиев Акбар** фахрли 2-ўринни қўлга киритганлиги фикримизнинг яққол исботи бўла олади.

Шунингдек, спорт соҳасини олсак, жорий йилда **Таиланднинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида спортнинг силамбам тури бўйича чемпионликни** қўлга киритган, туманимиз фарзанди **Муниса Раббимова**, **Таэквандо ИТФ** йўналиши бўйича **Ўзбекистон чемпионати кумуш медали совриндорлари** 21-мактаб ўқувчиси **Бахронов Жасур**, 20-мактаб ўқувчилари **Маҳматқулов Зуфар** ва **Рахимов Шохруҳлар**, **Пенчак-силат** бўйича **Малайзия очиқ чемпионати кумуш медали соҳиблари** ҳамда **Ўзбекистон чемпионлари** 6-мактаб ўқувчиси **Ғойибов Диёр**, 66-мактаб ўқувчиси **Танақулов Муҳаммад**, 54-мактаб ўқувчиси **Матлабов Ибодуллоларнинг** номларини бугун **фахр билан** тилга олсак арзийди.

Айниқса, 54-мактаб ўқувчиси **Ўзбекистон чемпиони Матлабов Ибодулло**, шунингдек ушбу мактаб ўқувчилари **Сатторов Самех Дилшодов Жамолларнинг** яқинда Пойтахтимиз-Тошкент шаҳрида шарқ якка кураши пенчак-силат бўйича **“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши** соврини учун ўтказилган республика мусобақаларида рақибларини енгиб **олтин медал билан** қайтиши барча уругуликларни байрамолди янада қувонтирди.

Бундай ютуқларимизни яна кўплаб санашимиз мумкин.

Кириб келаётган **Янги 2016 йилимизга “Соғлом она ва соғлом бола”** -деб ном берилиши ҳам Мухтарам Президентимизнинг **Сиз азиз болажонларимизга бўлган ғамхўрлигининг** яна бир намунасидир, Сизларнинг бизданда кучли, бизданда бахтли инсон бўлиб камол топишингиз учун ташланган навбатдаги қадам бўлди десак, асло адашмаймиз.

Ўйлайманки, Сиз азиз фарзандларимиз, Давлатимиз раҳбари-Мухтарам Президентимиз кўрсатаётган ғамхўрликларидан

илҳомланиб, яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, ўз билим ва маҳоратингизни тинимсиз ошириб, келгусида эл-юрт корига ярайдиган баркамол авлод бўлиб етишиб, албатта, юртимизнинг гуллаб яшнаши, ободлиги ва фаровонлигини таъминлашда ўз ҳиссангизни қўшасиз-деган умиддамиз.

Яна бир бор барчангизни тобора яқинлашиб келаётган **Янги 2016 йил билан самимий табриклаб, эзгу ва беғубор орзу-умидларингизнинг ушалишига омадлар тилайман!**

**Эътиборларингиз учун раҳмат!**